

Туяқуш тухуми шаклидаги сайёра



14:00 / 15.12.2023 2576

Ер сайёраси туяқуш тухуми шаклида. Буни Қуръони Каримда аниқ баён қилинган. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَالَّذِي كَلَّمَدَّعْبَ ضُرَّالْأَو

“Ва ундан сўнг ерни тухум шаклида қилди” (Назиат сураси, 30-оят).

Оятдаги “даҳа” феъли “ёйиб қўйди”, “чўзиб қўйди”, “кенг қилди” маъносини ифода қилади.

Шунингдек, “даҳа” феълининг ўзаги бўлмиш “дахв”дан олинган “алмадҳа” сўзи “туяқуш тухуми турган жой” маъносини ифода қилади. Ҳозирги кундаги кўплаб олимлар “дахв” калимасини тухумсимон нарса, туяқуш тухумига ўхшаган нарса маъноларини билдирувчи сўз эканини айтмоқдалар. Шундай олимлардан бири Зағлул Нажжордир.

Бугунги кунда космонавтлар орбитадан туриб олган Ер сайёрасининг расмлари бутун дунёга тарқалиб кетган. Унда Ернинг товуқ тухумидек ўта чўзинчоқ (эллипссимон) ёки дум-думалоқ (доирасимон) эмас, балки айнан

туяқуш тухуми каби бироз чўзинчоқ ҳолатда экани ҳаммага кўрган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда биргина сўз билан Ер сайёрасининг қандай шаклда экани, унинг сирти текис, ёйиқ, яшаш учун қулай тарзда яратганини баён қилиб қўйган.

Қуръони Карим нозил бўлган пайтда Арабистон ярим оролида бирорта обсерватория, астрономик кузатиш станцияси мавжуд бўлмаган, космонавтикага оид ҳеч қандай тасаввур йўқ эди.

Шундай шароитда Қуръони Каримда Ернинг шакли, ҳолати ҳақида аниқ илмий маълумотларнинг берилиши Қуръон Аллоҳ таолонинг ҳақ Каломи эканига, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам У Зотнинг ҳақ пайғамбари эканликларига яққол далилдир!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.